

Хошимов П. З.

ЎзМУ Иқтисодиёт факультети
илмий ишлар бўйича декан муовини,
и.ф.н., доцент.

Жумаева С. К.

Бухоро юқори технологиялар
муҳандислик-техник институти
катта ўқитувчиси

МИНТАҚАЛАР ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШИ ҲОЛАТИНИНГ ТАҲЛИЛИ

Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг таҳлили уларнинг мамлакат иқтисодий тараққиётига қўшаётган ҳиссани баҳолашда муҳим аҳамият касб этади. Ўз ўрнида бундай таҳлил ҳар бир минтақанинг ички имконларини аниқлашда ва бу имконларни рўёбга чиқаришга хизмат қилиш нуқтаи назаридан амалга оширилади. Минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг ҳозирги ҳолатини объектив баҳолаш учун уларнинг тарихига ва тармоқлар тизимининг шаклланишини кўриб чиқиш лозим.

Ўзбекистоннинг минтақавий ривожланиши бўйича тадқиқотлар XX асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб интенсив тарзда амалга оширила бошланди. Бундай ҳолат республика доирасида ҳамда минтақа ва дунё миқёсида ўзларининг тадқиқотлари билан кўзга кўринган иқтисодчи олимлар С.К. Зиядуллаев, К.Н.Бедринцев, К.И. Лапкин, иқтисодчи-географ олимлар З.М. Акрамов ва бошқаларнинг номлари билан узвий боғланган. Ундан кейинги даврда ҳам, яъни 1980-2010 йилларда ушбу тенденция сақланиб қолди, яъни жумладан, иқтисодий-география мухтаassisлари томонидан ҳам давом этирилди. Энди тадқиқотлар саҳнасига иқтисодчилардан Т.М. Аҳмедов, А.М.Содиқов, Б.Р. Рўзметов, Ф.Т. Эгамбердиев, иқтисодчи-географлардан О.Б.Ата-Мирзаев, А.С.Солиев, А.А. Қаямов ва бошқалар чиқдилар.

Тадқиқотларда асосий эътибор мамлакатда районлаштириш ишларини амалга ошириш, яъни республика ҳудудини минтақаларга ажратишга қаратилди. Бунда

иқтисодчилар ҳамда иқтисодчи-географ олимлар ва мутахассисларнинг ёндашувлари бир-бирига жуда яқинлигини деярли барча тадқиқотчилар тушуниб етди.

Биринчи гуруҳ олимлари мамлакат ҳудудини 6-га ёки 7-га бўлиш таклифи билан чиқди. Шунда 6-га бўлиш тарафдорлари ҳозирги олимларнинг кўпчилиги каби Тошкент, Фарғона, Қуйи Амударё, Жанубий, Мирзачўл ва Зарафшон минтақаларини ажратиш ғоясини илгари сурди. Иккинчи гуруҳ олимлари Қашқадарё ва Бухоро вилоятларини бир минтақа сифатида олиб, районлар турини қуйидагича таснифлашди.

Тошкент, Фарғона, Мирзачўл, Самарқанд-Навоий, Бухоро-Қашқадарё, Сурхондарё ва Қуйи Амударё районлари.

Ҳозирги вақтда республикада минтақалар сифатида юқоридагилардан ташқари жами вилоятлар ҳамда Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикасини ажратиш ғояси тобора кўпроқ тарафдорларга эга бўлмоқда. Ушбу ёндашув тарафдорлари ўзлари илгари сурган ёндашув

қўлланилганда минтақаларни бошқариш эҳтимоли реал ҳақиқатга айланиши мумкинлигини исботлаб бермоқда. Ушбу ёндашув тарафдорлари (А.М. Содиқов, Т.М. Аҳмедов ва бошқалар) маъмурий-ҳудудий ёндашув билан иқтисодий ёндашувни бир ёндашув сифатида қабул қилишни таклиф этмоқдалар.

Ана шу ёндашувдан келиб чиққан ҳолда Ўзбекистонда мавжуд барча 12 та вилоят, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси минтақаларга хос учта жиҳат ихтисослашув, хўжаликнинг мажмуали ривожланганлиги ва энг муҳими - уни бошқариш мумкинлиги асос сифатида қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасида мавжуд минтақалар қуйидаги 1 жадвалда келтирилган. Унда ҳудудий-демографик ҳамда баъзи-бир иқтисодий кўрсаткичлари бўйича минтақаларнинг мавқелари баҳоланган. Мамлакат минтақалари ичида майдонининг катталиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси етакчилик қилади. Жами мамлакат ҳудудининг 37,1 фоизи унга тўғри келади. Шу вақтнинг ўзида мазкур минтақа - аҳоли сони бўйича мамлакат, минтақалари ичида 10 ўринни, аҳоли зичлиги бўйича эса охиридан олдинги 13 ўринни эгаллайди. Шу вақтнинг ўзида майдонининг катталигига биноан 13 ўринни эгаллаган Андижон вилояти аҳолисининг сонига кўра тўртинчи, унинг зичлиги бўйича эса 2 ўринни, яна ҳам аниқроқ қилиб айтганда биринчи ўринни эгаллайди. Чунки аҳоли зичлиги бўйича биринчи ўринни эгаллаган минтақа - Тошкент шаҳри мазкур кўрсаткичга оид тадқиқотларда одатда ҳисобга олинмайди (шаҳарда аҳоли зичлиги 6500 кишидан ошиб кетади).

Республика минтақаларига юқоридаги кўрсаткичларга таяниб қуйидаги ўринларни ажратиш мумкин (1-жадвал). Бунда ҳудудининг катталиги, аҳолисининг сони ва зичлиги кўрсаткичлари бўйича минтақалар эгаллаган ўринлар асос қилиб олинди. Минтақанинг ушбу кўрсаткичлар бўйича эгаллаган мавқеи баҳоланиши мумкин.

Юқорида таъкидлаб ўтилганидек, Ўзбекистон Республикасида мавжуд

14 та маъмурий-ҳудудий бўлак, яъни Қорақалпоғистон Республикаси, ўн икки вилоят ва Тошкент шаҳри иқтисодий районлар сифатида алоҳида мақомларга эга. Бунда иқтисодий район(минтақа)лар хўжалигининг ихтисослашуви ва мажмуали ривожланганлиги билан бир навбатда уларни бошқариш мумкинлиги ҳам ҳисобга олинмоқда.

Мамлакатда мавжуд ҳар бир минтақа ўзининг табиий-демографик салоҳияти, иқтисодиётининг тармоқлар таркиби ва ривожланганлик даражаси, ташқи иқтисодий алоқалардаги иштирокига биноан бир-биридан фарқ қилади. Минтақаларни иқтисодий ва ижтимоий ривожланганлик юқорида келтирилган шароит ва омиллардан ташқари бозор иқтисодиётининг ривожланиши ва жойлашишини таъминлаб турувчи омиллар билан ҳам алоқадордир. Шулар қаторига авваламбор инновация, инвестиция ва самарали бошқарув омиллари киради.

Ўзбекистон минтақалари табиий ресурслар ва уларнинг турлари билан турлича таъминланган. Республикада мавжуд барча минтақалар ер ресурслари билан яхши таъминланган.

Ҳудудининг катталиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти кескин ажралиб турса ҳам унинг асосий қисмидан қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш ўта мураккаб масаладир. Чунки Устюрт платосидан, Навоий вилоятининг катта қисми Қизилқум чўли, қолдиқ тоғлар ва бошқа турли хил ландшафтлар (ботиқлар, шўртоблар, шўрхоклар)дан ташкил топган. Шунга ўхшаш фикрни Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва қатор бошқа вилоятлардаги айрим ҳудудлар тўғрисида ҳам билдириш мумкин.

Ўзбекистон минтақалари табиий ресурслар ва уларнинг турлари билан турлича таъминланган. Республикада мавжуд барча минтақалар ер ресурслари билан яхши таъминланган.

Ҳудудининг катталиги бўйича Қорақалпоғистон Республикаси ва Навоий вилояти кескин ажралиб турса ҳам унинг асосий қисмидан қишлоқ хўжалиги ишлаб

1-жадвал
Ўзбекистон минтақаларининг ҳудудий-демографик салоҳияти
(2011 й).¹

№	Минтақа номи	Майдо-ни, минг км ²	Ўр-ни	Аҳоли сони, млн. киши	Ўр-ни	Ялпи ҳудудий маҳсулот, млрд \$	Ўр-ни	ЯҲМ аҳоли жон бошига	Ўр-ни	Меҳнат рес. сони минг киши.	Ўр-ни
1.	Қорақалпо- ғистон Республикаси	166,6	1	1,7	10	1389,8	12	826,2	14	945,5	10
	вилоятлар:										
2.	Андижон	4,2	13	2,7	4	3679,6	6	1343,2	8	1561,2	3
3.	Бухоро	40,3	3	1,7	9	3376,0	7	2146,7	4	987,6	9
4.	Жиззах	21,2	5	1,2	12	1389,1	13	1205,9	9	652,1	12
5.	Қашқадарё	28,6	4	2,7	3	4865,1	3	1933,2	5	1493,4	6
6.	Навойй	111,0	2	0,9	13	3276,6	8	3797,5	1	531,6	13
7.	Наманган	7,4	9	2,4	6	2426,6	9	1030,0	13	1350,6	7
8.	Самарқанд	16,8	7	3,3	1	3813,1	5	1186,3	10	1815,7	2
9.	Сирдарё	4,3	12	0,7	14	1008,3	14	1372,5	12	420,7	14
10.	Сурхондарё	20,1	6	2,2	8	2229,3	10	1077,1	6	1174,1	8
11.	Тошкент	15,3	8	2,6	5	5571,1	2	2167,1	3	1549,7	4
12.	Фарғона	6,8	10	3,2	2	4095,5	4	1344,9	7	1824,2	1
13.	Хоразм	6,1	11	1,6	11	1944,1	11	1159,9	11	900,4	11
14.	Тошкент шаҳри	0,3	14	2,3	7	9820,1	1	3682,5	2	1519,2	5
	Ўзбекистон Республикаси	448,9		28,4		61831,2		2163,5		16677,0	

1 Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида муаллифлар томонидан тайёрланган.

2-жадвал
Ўзбекистон минтақаларининг фойдали қазилмалар билан таъминланганлиги¹

№	Минтақалар	Нефть	Табиий газ	Кўмир	Олтин	Кумуш	Мис	Бошқа рангли металлар	Фосфоритлар	Калий тузлар	Бошқа кимёвий хом ашё ресурслари	Мармар	Гранит	Курилиш материаллари	Уран	Темир
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	++	++					+	+		+	+		+		+
2.	Вилоятлар: Андижон	+														
3.	Бухоро	+	+								+					
4.	Жиззах				+			+			+	+				
5.	Қашқадарё		++							++				+		
6.	Навоий				++	++			++		+	+	+	+	++	
7.	Наманган				+	+		+				+		+		
8.	Самарқанд											+	+	+	+	
9.	Сурхондарё	+	+	+						+	+			+		
10.	Сирдарё													+		
11.	Тошкент			++	++	+	++	++			+	+	+	+		
12.	Фарғона	+	+											+		
13.	Хоразм													+		

* + белгиси минтақада ресурс мавжудлигини англатади.

++ белгиси минтақани ресурсга бойлигини билдиради.

+++ белгиси минтақада ресурсга жуда бойлигини англатади.

1 . Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т.:“Университет”. 2004, -Б.41

3-жадвал

Минтақаларнинг демографик ва меҳнат салоҳияти ¹

№	Минтақалар	Жамига нисбатан фоизда						2010 йилда банд аҳоли сонининг 2000 йилга нисбатан
		Аҳоли сони		Меҳнат ресурслари сони		Банд аҳоли сони		
		2000	2010	2000	2010	2000	2010	
	Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100	123,0
1.	Қорақалпоғистон Республикаси	6,1	5,8	5,8	5,8	5,4	5,0	114,7
2.	Вилоятлар Андижон	8,9	9,1	8,8	9,3	9,2	9,5	126,4
3.	Бухоро	5,8	5,8	6,0	5,9	6,5	6,6	124,6
4.	Жиззах	4,0	4,0	3,6	3,8	3,3	3,2	122,0
5.	Қашқадарё	8,9	9,3	7,8	8,9	8,1	8,3	125,2
6.	Навоий	3,2	3,0	3,1	3,3	3,6	3,6	123,0
7.	Наманган	7,9	8,1	7,4	7,9	6,8	6,9	125,3
8.	Самарқанд	10,9	11,1	10,0	10,7	10,3	10,5	125,1
9.	Сурхондарё	7,1	7,4	6,2	7,0	6,4	6,5	125,8
10.	Сирдарё	2,6	2,5	2,5	2,5	2,8	2,8	122,6
11.	Тошкент	9,6	9,3	9,5	9,4	8,0	10,0	122,6
12.	Фарғона	10,9	11,0	10,3	10,6	11,4	11,6	125,2
13.	Хоразм	5,4	5,6	5,1	5,4	5,1	5,2	123,9
14.	Тошкент шаҳри	8,7	8,0	10,1	9,5	11,1	10,3	113,4

чиқаришни ёки бошқа мақсадларда фойдаланиш ўта мураккаб масаладир. Чунки Устюрт платосидан, Навоий вилоятининг катта қисми Қизилқум чўли, қолдиқ тоғлар ва бошқа турли хил ландшафтлар (ботиқлар, шўртоблар, шўрхоқлар)дан ташкил топган. Шунга ўхшаш фикрни Бухоро, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё ва қатор бошқа вилоятлардаги айрим ҳудудлар тўғрисида ҳам билдириш мумкин.

□ Ўзбекистон минтақаларининг деярли барчасида минерал ресурсларнинг у ёки бу тури мавжуд. Лекин уларнинг аҳамияти турли минтақаларда турличадир. Ёқилғи-энергетика ресурслари бўйича мамлакатда Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро, Андижон, Тошкент вилоятлари ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси пешқадамлик қилади. Катта товар аҳамият касб этувчи табиий газнинг йирик кон ва заҳиралари Қашқадарё вилояти ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида мавжуд.

□ Қашқадарё вилояти нефть қазиб олиш бўйича ҳам республикада етакчилик қилади. Нефтининг истиқболли конлари Қорақалпоғистон Республикасида ҳам очилган. Тошқўмирнинг икки кичик кони Сурхондарё вилоятида, қўнғир қўмирнинг йирик кони эса Тошкент вилоятида ишлаб турибди. Республика етишмаган нефть ва тошқўмирни қўшни мамлакатлардан импорт қилмоқда.

Маълумки, Ўзбекистоннинг барча минтақаларида аҳоли сони ўсиб бормоқда. Лекин унинг суръатлари турлича бўлганлиги сабабли, баъзи минтақаларнинг республика миқёсидаги улуши камаймоқда (Қорақалпоғистон Республикаси, Навоий, Сирдарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри), баъзи минтақаларнинг (Бухоро ва Жиззах вилоятлари) улушлари барқарорлашди, баъзи минтақаларники эса (Андижон, Қашқадарё, Наманган, Самарқанд, Сурхондарё, Фарғона, Хоразм вилоятлари) кўпайди.

Аҳоли сони ва салмоғи ўсиб бораётган минтақалар қаторига Фарғона водийси вилоятлари қўшилди. Бу бирмунча ку-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланган

4-жадвал

Минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишнинг асосий кўрсаткичларидаги ҳиссаларининг ўзгариши (жамига нисбатан фоизда)¹

Минтақалар	Ялпи ички маҳсулотдаги хиссаси		Саноат маҳсулотининг ҳажми		Қишлоқ хўжалиги маҳсулотининг ҳажми	
	2005	2010	2005	2010	2005	2010
Ўзбекистон Республикаси	100	100	100	100	100	100
Қорақалпоғистон Республикаси	2,6	2,6	1,8	1,2	3,1	3,0
Вилоятлар:						
Андижон	6,9	6,7	10,7	12,7	9,2	9,7
Бухоро	6,2	5,4	4,7	3,8	8,7	8,9
Жиззах	3,0	2,5	1,7	1,1	6,0	5,4
Қашқадарё	7,8	7,8	13,0	14,6	10,0	8,2
Навоий	5,6	5,4	15,5	11,2	3,9	4,2
Наманган	4,0	3,9	3,0	1,9	6,8	7,3
Самарқанд	6,6	6,4	3,5	4,1	12,6	13,7
Сурхондарё	4,4	3,5	2,0	1,6	7,9	8,0
Сирдарё	1,9	1,6	2,7	1,1	4,2	3,8
Тошкент	9,6	9,2	16,3	11,8	11,8	13,6
Фарғона	7,9	7,5	9,4	8,9	9,2	8,1
Хоразм	3,7	3,2	1,9	1,4	6,6	6,1
Тошкент шаҳри	14,3	17,7	11,3	15,8		

тилмаган ва салбий оқибатларга олиб келиши мумкин бўлган жараёндир. Лекин Фарғона водийси вилоятларида бандлик даражасини нисбатан юқори бўлишлиги ҳозирча меҳнат бозорида юз бериши мумкин бўлган нохуш ҳодисалар олдини олмақда.

Ўзбекистон Республикаси иқтисодиёти давлат мустақиллиги даврининг кейинги беш-олти йил ичида юқори суръатлар билан ривожланмоқда. Иқтисодиёт фаолиятининг асосий индикатори - ялпи ички маҳсулот ҳажми 2009 йилдаги 57,0 триллион сўмдан 2010 йилга келиб 61,8 триллион сўмга етди ёки 8,5 фоизга ўсди. Инфляция даражаси 7,3 фоиздан ошмади.

Айрим минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланишининг асосий кўрсаткичлари ўзгариши 4-жадвалда келтирилган.

Ижтимоий-иқтисодий ривожланиш асосий кўрсаткичларининг таҳлили республикада Тошкент шаҳри, Тошкент, Самарқанд, Навоий, Қашқадарё, Андижон, Фарғона, Бухоро каби минтақаларнинг ижтимоий-иқтисодий мавқеи мустаҳкамланиб бора-

ётганлигини кўрсатмоқда. Буни ҳудудий индекслар ҳам тасдиқлайди.

Ўзбекистон минтақаларида иқтисодиётнинг асосий тармоғи саноат нотекис ривожланган. Барча тармоқлар бир текисда ривожланган минтақанинг ўзи йўқ. Бундан Тошкент шаҳри ҳам мустасно эмас. Лекин Тошкент шаҳрининг бошқа минтақалардан устун жиҳати - унда деярли барча тармоқларнинг мавжудлиги билан боғланган. Мазкур минтақада рангли металлургия тармоғи паст даражада бўлса ҳам, мавжуд. Шу вақтнинг ўзида унга республика доирасида жами саноат маҳсулотининг 15 фоиздан ортиғи, айрим тармоқлардан ўрмон, ёғочни қайта ишлаш ва целлюлоза - қоғоз саноати маҳсулотининг 45 фоиздан зиёди, машинасозлик ва металлни қайта ишлаш саноати маҳсулотининг чорак қисми тўғри келди. Минтақанинг қора металлургия, шиша озиқ-овқат, электрэнергетика ва кимё саноати маҳсулотини ишлаб чиқаришдаги улуши ҳам салмоқлидир.

Минтақалар ичида иқтисодиётининг кўп функцияли эканлиги билан Тошкент, Бухоро, Қашқадарё, Самарқанд, Фарғона ва Андижон вилоятлари ҳам ажралиб ту-

¹ Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси маълумотлари асосида тайёрланди.

ради. Шу вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари ўзлари эгаллаб турган мавқеларини бирмунча йўқотди. Натижада улар билан иқтисодий пешқадам минтақалар ўртасидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражалари ўртасидаги фарқ яна ҳам кучайди.

Ўзбекистонда қадимдан деҳқончилик, энг аввало суғорма деҳқончилик аҳамиятли бўлиб келган. Мазкур тармоқнинг роли кейинги йилларда, сувнинг ўта танқислиги туфайли, яна ҳам ошди. Бунинг асосий сабабларидан яна бири - суғориладиган ерлар ҳажмининг қисқариши билан боғланган. Мамлакатда 1999-2002 йилларда кузатилган сув танқислиги қишлоқ хўжалигига, айниқса унинг асосий тармоғи пахтачиликка катта зарар етказди, суғориладиган ерларнинг ҳажми эса қайд этилган даврда секин-аста 4,3 млн гектардан 3,7 млн гектаргача қисқарди. Қисқарган, ишлаб чиқариш айланмасидан чиқариб юборилган ерларнинг асосий қисми Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Хоразм, Бухоро ва Қашқадарё вилоятларига тўғри келди. Сув танқислиги ва суғориладиган ер массивларининг қисқариши айниқса Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятига катта иқтисодий, ижтимоий ва экологик зарар етказди, уларда неча ўн йиллар мобайнида шаклланиб келган ихтисослашувни кескин ўзгартирилишига сабаб бўлди.

Мамлакат ҳаётида транспорт тизимининг аҳамияти ҳам муҳимдир. Ўзбекистонда 1990-2009 йилларда барча транспорт турларида юк ташиш 3 бараварга ошиб, 1078,0 миллион тоннани ташкил этди. Худди шу йилларда юк айланмаси 24%га ўсиб, 77,8 млрд.тн. км.га тенг бўлди. Таҳлил этилаётган даврда йўловчи ташиш ҳам жиддий тарзда ошди¹.

Темир йўл транспорти (қувур транспортини ҳисобга олмаганда) ташқи иқтисодий алоқаларни таъминлашда муҳим аҳамиятга эга. Импорт-экспорт юкларни ташишда тармоқ улуши 80%дан ошади. Мустақиллик йилларида юк та-

шиш, юк айланмалари, йўловчи ташиш ва йўловчи айланмалари муттасил равишда ошиб борди. "Бизнинг 2011 йилги ва истиқболга мўлжалланган иқтисодий дастуримизни амалга оширишда инфраструктура, транспорт ва коммуникация қурилишини комплекс ва жадал равишда ривожлантириш устувор йўналишга айланиши даркор" деб транспорт тизими аҳамияти юқорилигини яна бир бор таъкидлаб ўтдилар².

Мустақиллик йилларида транспорт воситалари ва турларида ўзига хос муаммолар вужудга келди. Шу нуқтаи назардан иқтисодиётни либераллаштириш шароитида халқ хўжалигининг энг муҳим тармоқларидан бири бўлган транспорт тизимини ривожлантириш ва унга хос минтақавий муаммоларни тадқиқ этиш ҳеч қандай шубҳасиз долзарб аҳамиятга эга.

Ўзбекистон минтақалари сармояларининг киритилиши ҳажмига биноан бир-биридан кескин фарқ қилади. Асосий капиталга киритилган инвестициялар ҳажмининг ўсиш суръати республика бўйича 2010 йилда олдинги йилга нисбатан 9,2 фоизни ташкил этди. Шу вақтнинг ўзида ушбу кўрсаткич Наманган, Тошкент, Сурхондарё ва Андижон вилоятларида 4-9 фоизга, Фарғона, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида 26-49 фоизга тенг бўлди. Тошкент шаҳри ва Хоразм вилоятида 58-72 фоиз ўртасида ўзгарди, Навоий вилоятида эса 2,5 мартага ўсди. Шу билан бирга экологик вазияти мураккаб, сув танқислиги сурункали тусга эга Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда Бухоро ва Қашқадарё вилоятларида таҳлил этилаётган йилда 2009 йилга нисбатан инвестициялар ҳажмининг камайиши кузатилди.

Инвестициялар ҳажми республика минтақалари доирасида нотекис тақсимланган. Юқори инвестицияли минтақаларни Бухоро, Навоий, Қашқадарё, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳри ташкил этади.

2 Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз – ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. // Халқ сўзи, 22 январь 2011 йил.

1 Народное хозяйство Узбекской ССР. 1990 г. Статистический ежегодник. – С. 321.

Уларнинг инвестиция ҳажмидаги улушлари 10,3 дан 13,1 фоизгача ўзгаради. Ушбу беш минтақада жами инвестициянинг ярмидан ортиғи жамланган. Шу вақтнинг ўзида Қорқалпоғистон Республикаси, Хоразм, Сурхондарё, Сирдарё, Наманган ва Жиззах вилоятларида мазкур кўрсаткич 2,2 дан 3,8 фоизгача ўзгариб, жами 17,5 фоизни ташкил этади, холос. Бундай ҳолат минтақалар ижтимоий-иқтисодий ривожланиши даражаларидаги мавжуд фарқларни яна ҳам кучайишига сабаб бўлиши мумкин.

Ўзбекистонда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш кўп жиҳатдан унинг жаҳон хўжалигига интеграциялашуви ҳамда экспорт салоҳиятини кенгайтириш бўйича амалга оширилаётган чора-табдирларнинг аниқ натижаларига боғлиқ. Республикамизда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг ҳозирги босқичида ташқи иқтисодий фаолиятни эркинлаштириш мамлакатимизни XXI аср бошида ривожланиш стратегиясининг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади.

Ташқи савдони эркинлаштириш иқтисодиёт очиклик даражасининг ўсишига, ишлаб чиқариш самарадорлиги-

нинг ошишига ва рақобатбардошликнинг кучайишига, мамлакат экспорт салоҳияти имкониятларини кенгайтиришга ёрдам беради.

Ўзбекистон Республикаси экспорт фаолиятининг таҳлили қуйидаги тўрт тенденцияни (кескин пасайиш, ўсиш, кескин ўсиш) ажратишга ва қуйидаги хулосаларни қилишга асос бўлди.

Республика товар хизматлар экспорти 2000 йилда 3264,7 миллион АҚШ долларини ташкил этган бўлса 2011 йилда 13044,5 миллионга етди.

Аҳоли жон бошига экспорт ҳажми 2000 йилдаги 132,4 АҚШ долларидан 2010 йилга келиб 457,7 АҚШ долларига етди ёки бу кўрсаткич 2000 йилга нисбатан 3,5 баробарга ортди.

Экспорт товар таркибида 2000-2010 йилларда кимё маҳсулотларининг улуши 2,1 % га, энергия манбаларининг улуши 23,9% га, озиқ-овқат маҳсулотларининг улуши эса 0,6 % га ошган.

Юқорида қайд этилган минтақалар иқтисодий ривожланиши даражаларидаги фарқларни камайтириш, орқада қолаётган минтақалар ривожланиш суръатларини жонлаштириш бугунги куннинг долзарб вазифаларидан биридир.

Адабиётлар рўйхати:

Каримов И.А. Барча режа ва дастурларимиз ватанимиз тараққиётини юксалтириш, халқимиз фаровонлигини оширишга хизмат қилади. – Т.: "Ўзбекистон", 2011. – 44 б.

Ахмедов Т.М. Регулирование территориальной организации производительных сил и комплексного развития регионов Узбекистана. – Т.: "ФАН", 1992. – 79 с.

Абдуллаев О. Минтақалар ва мамлакатлар иқтисодиёти. – Т.: "Янги аср авлоди", 2009.- 282 б.

Минтақавий иқтисодиёт. Ўқув қўлланма. -Т.: "Университет". 2004. -Б.41

Ата-Мирзаев О., Тухлиев Н. Узбекистан: природа, население экономика. – Т.: Гос.науч.изд-во "Ўзбекистон миллий энциклопедияси", 2009. – 240 с.

Социально-экономическое развитие регионов Узбекистана (2006-2010 гг.) – Ташкент, 2011.